



**ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И  
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-  
ПРАВОВЫХ АКТОВ**

**Проект**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ**  
**Солиқ маъмуритчилиги тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон**  
**Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш**  
**ҳақида**  
**VQL-5411/22-2**

Республикамизда солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг фаолият турларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириш, ҳисоб-китоблар тизимиға замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда солиқ тўловчиларнинг умумдавлат иқтисодий фаолият турлари бўйича классификаторини аниқлаш имкониятини ҳамда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими орқали чоп этилган хато чекларга тузатиш киритишида қулайлик яратиш учун ушбу йўналишдаги тизимни тақомиллаштириши тақозо этмоқда.

Солиқ солиши обьектлари ва (ёки) солиқ солиши билан боғлиқ обьектлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ҳамда тизимлаштириш самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик соҳасида ракамли технологияларни ҳамда ҳисоб-китобларни амалга оширишида замонавий ахборот ечимларини жорий этиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада эркинлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қуидагиларни назарда тутувчи ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин:

Давлат солиқ қўмитасининг штатлар жадвали;

онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартибини тақомиллаштириш;

солиқ тўловчиларнинг умумдавлат иқтисодий фаолият турлари бўйича классификаторини аниқлаш;

солиқка оид ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш тизимини тақомиллаштириш.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг

2022 йил \_\_\_\_\_даги \_\_-

сон қарорига

ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат солик хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисида”ги низомнинг учинчи бандида:

йигирманчи хатбошидаги “15” деган рақам “18” деган рақам билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги йигирма учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“12 штат бирлиги — Кўмита хузуридаги Фискал институтида.”;

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори билан тасдиқланган “Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисида” Низомнинг 38<sup>1</sup>-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“38<sup>1</sup>. Илгари амалга оширилган ҳисоб-китобларга ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган ҳолларда фойдаланувчи томонидан тузатувчи касса чеки шакллантирилади.

Тузатувчи касса чеки фойдаланувчи томонидан илгари онлайн-НКМдан фойдаланмасдан ҳисоб-китоб қилган ҳолларда онлайн-НКМдан фойдаланиш мажбуриятини бажарилишини таъминлаш мақсадида ёки онлайн-НКМдан ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда фойдаланилганда шакллантирилади.

Касса чекига МХИК, маҳсулотнинг (товар, хизмат) ўлчов бирлиги, сони ва суммаси бўйича тафовут аниқланган ойнинг қўшилган қиймат солиғи ва айланмадан олинадиган солик ҳисоботларини тақдим этиш муддатларигача тузатиш киритилади. Бунда ҳисбот тақдим этиш муддати ўтгандан сўнг касса чекига тузатиш киритишга йўл қўйилмайди.”;

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 4 сентябрдаги 539-сон қарорида:

а) 10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва илмий фаолиятни ривожлантириш масалалари департаментига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.”.

б) 1-иловада:

куйидаги мазмундаги 9<sup>1</sup>-банд билан тұлдирилсін:

“9<sup>1</sup>. Мазкур Низом мақсадларыда, хұжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолият турларини таснифлаш маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар)нинг ягона электрон миллий каталогига мувофиқ идентификация кодлари ёрдамида ҳамда электрон ҳисобварап-фактуралар ва (ёки) онлайн касса техникалар чеклари маълумотлари асосида амалга оширилади.

Агар хұжалик юритувчи субъект иқтисодий фаолиятнинг бир нечта турларини амалга ошираса, иқтисодий фаолиятнинг асосий тури календарь ойи якунига күра онлайн-касса техникаларининг чеклари ёки ҳисобварап-фактуралари маълумотлари асосида улуси энг катта бўлган иқтисодий фаолият турига қараб белгиланади.”;

2-илованинг 6-банди таснифлагич учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари устуnidаги “Давлат статистика қўмитаси” деган сўзлардан кейин “ДСҚ” деган сўз билан тұлдирилсін;

в) 2-иловада:

4-банди масъул давлат органи устуnidаги “Давлат статистика қўмитаси” деган сўзлардан кейин “Давлат солик қўмитаси” деган сўзлар билан тұлдирилсін;

5-банди масъул давлат органи устуnidаги “Давлат статистика қўмитаси” деган сўзлардан кейин “Давлат солик қўмитаси” деган сўзлар билан тұлдирилсін.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Солик текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 45-банди куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тұлдирилсін:

“Далолатнома солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга имзо қўйдириб берилади ёки у олинган сана тўғрисида далолат берувчи бошқа усулда топширилади. Агар мазкур шахс далолатномани олишдан бош тортса, солик органининг мансабдор шахси далолатномага тегишли белги қўяди. Бундай ҳолда далолатнома ушбу шахсга почта орқали буюртма хат билан юборилади. Мазкур далолатнома буюртма хат билан юборилган санадан бошлаб ҳисоблаганда бешинчи кун у топширилган сана деб ҳисобланади.

Солик тўловчининг солик текширув далолатномасидаги имзоси унинг солик натижаларига розилигини билдирмайди.”.